

ISSN 2524-0986



АКТУАЛЬНЫЕ НАУЧНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В СОВРЕМЕННОМ МИРЕ

ЖУРНАЛ

Выпуск 11(79)
Часть 3

Переяслав
2021

Қорабаев Мухтар Матмусаевич, Қудбиев Нодир Тохирович (Фарғона, Ўзбекистон)	
ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕР ТИЗИМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР	184
Костомаха Елена Валерьевна (Тюмень, Россия)	
ФУНКЦИОНАЛЬНЫЙ БЕНЧМАРКИНГОВЫЙ АНАЛИЗ В СФЕРЕ ГОСТЕПРИИМСТВА.....	189
Кривенков Денис Владиславович (Санкт-Петербург, Россия)	
ПРОБЛЕМЫ ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ВАЛЮТНОГО КОНТРОЛЯ	196
Курпас Игорь Павлович (Санкт-Петербург, Россия)	
АНАЛИЗ РЫНКА IPO: ПРОБЛЕМЫ И ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ	199
Макарова Виктория Эдуардовна (Ростов-на-Дону, Россия)	
ПРОБЛЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ВНЕБЮДЖЕТНЫХ ФОНДОВ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ	203
Мукане Ясмина Аймановна (Москва, Россия)	
ФИРМЕННЫЙ СТИЛЬ КОМПАНИИ КАК ОБЪЕКТ ИССЛЕДОВАНИЯ: ПОНЯТИЯ, ФУНКЦИИ И ЭТАПЫ	207
Попова Екатерина Владимировна (Сургут, Россия)	
КАРШЕРИНГ – НОВАЯ МОДЕЛЬ БИЗНЕСА	209
Савинова Г.А. (Фергана, Узбекистан)	
УПРАВЛЕНЧЕСКИЙ УЧЕТ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН И ПЕРСПЕКТИВЫ ЕГО РАЗВИТИЯ	212
Сергеев Дмитрий Леонидович (Калининград, Россия)	
ФОРМИРОВАНИЕ НАПРАВЛЕНИЙ ОЦЕНКИ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОСОБОЙ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЗОНЫ В КАЛИНИНГРАДСКОЙ ОБЛАСТИ.....	216
Синявский Юрий Александрович, Туйгунов Диляр Нурдунович, Сарсембаев Хусейн Самир, Бармак Сабырхан Мухитулы, Редько Владислав Андреевич (Алматы, Казахстан)	
АНАЛИЗ МИРОВОГО РЫНКА ПЕРЕРАБОТКИ ПЛОДООВОЩНОГО СЫРЬЯ. СОСТОЯНИЕ РЫНКА ПЕРЕРАБОТКИ ПЛОДОВ И ОВОЩЕЙ РЕСПУБЛИКИ КАЗАХСТАН	222
Сиротинин Иван Алексеевич (Москва, Россия)	
АНАЛИЗ ДЕНЕЖНО-КРЕДИТНОЙ ПОЛИТИКИ РОССИИ В ПЕРИОД ПАНДЕМИИ COVID-19	236
Стаханова Юлия Владимировна (Москва, Россия)	
МЕТОДЫ УВЕЛИЧЕНИЯ РОЗНИЧНЫХ ПРОДАЖ С ПОМОЩЬЮ ВИЗУАЛЬНОГО МЕРЧАНДАЙЗИНГА.....	240
Темиркулов Алишер Абдураимович (Фергана, Узбекистан)	
ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ УЧЕТА ЗАТРАТ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ.....	244
Тимакова Ксения Сергеевна, Юкина Наталия Алексеевна (Йошкар-Ола, Россия)	
ФРИЛАНС КАК ОДНА ИЗ ФОРМ ЗАНЯТОСТИ МОЛОДЕЖИ В СОВРЕМЕННЫХ УСЛОВИЯХ.....	250

УДК 338

Қорабаев Мухтар Матмусаевич

“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти,

Қудбиев Нодир Тоҳирович

магистрант

Фарғона политехника институти

(Фарғона, Ўзбекистон)

ЎЗБЕКИСТОНДА КЛАСТЕР ТИЗИМИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда кластерлар фаолияти ташкил этилиши, хозирги кунда бу тизимнинг мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ўрни ташкилий ва назарий жиҳатлари ҳамда кластер соҳаларнинг мавжуд муаммоларини англаш, уларнинг ечимлариниг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти хақида фикир юритилган.

Калит сўзлар: агрокластерлар, кластер тизими, қишлоқ хўжалиги, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни бошқариш.

Корабаев Мухтар Матмусаевич

доцент кафедры «Бухгалтерский учет и аудит»,

Қудбиев Нодир Тоҳирович

магистр

Ферганский политехнический институт

(Фергана, Узбекистан)

КЛАСТЕРНАЯ СИСТЕМА В УЗБЕКИСТАНЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Аннотация. В статье основное внимание уделяется организации деятельности кластеров в Узбекистане, организационным и теоретическим аспектам роли этой системы в аграрном секторе нашей страны на сегодняшний день, а также пониманию существующих проблем кластерных секторов, социально-экономической важности их решения.

Ключевые слова: управление производством агрокластеров, кластерная система, сельское хозяйство, сельскохозяйственная продукция.

Qoraboyev Muxtar Matmusayevich

Associate Professor of the Department “Accounting and Audit”

Qudbiyev Nodir Toxirovich

Master

Fergana Polytechnic Institute

(Fergana, Uzbekistan)

CLUSTER SYSTEM IN UZBEKISTAN: PROBLEMS AND SOLUTIONS

Abstract. The article focuses on the organization of cluster activities in Uzbekistan, organizational and theoretical aspects of the role of this system in the agricultural sector of

our country today, as well as understanding the existing problems of cluster sectors, the socio-economic importance of their solution.

Keywords: agrocluster production management, cluster system, agriculture, agricultural products.

Дуне миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари ва инсон эхтиёжлари учун зарур бўлган маҳсулотларга талаб йил сайин ошиб бормоқда. Бундай маҳсулотларни асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида етиштирилади Республикаизда мустақилликга эришилган сўнги 30 йил даъвомида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва маҳсулот етиштириш хажмини тубдан ошириш ва ахолии эхтиежини бундай маҳсулотларга бўлган талабини қондириш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини ташкилий, таркибий жихатдан қайта ташкил қилиш маҳсулот етиштиришда интенсив илфор қишлоқ хўжалиги технологияларидан кенг фойдаланиш, инновация илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш, саноатни қишлоқ хўжалиги тармогига яқинлаштириш ва уйғуналаштириш шулар жумласидандир.

Шу ўринда Ўзбекистонда ушбу соҳага кластер тизимини кириб келиши пахтачилик ғаллачилик боғдорчилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги йўналишларида кластерларнинг пайдо бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг пахта-тўқимачилик йўналишидаги кластерлари сони 75 тага етди (1-жадвал). [10]

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасидаги пахта-тўқимачилик кластерлари

Худуд	Кластерлар сони	Пахта майдони, га	
		Жами	ўртacha битта кластерга
Республика бўйича	75*	701 426,6	9 352,4
Қорақалпогистон Республикаси	3	28 161	9 387,0
Андижон вилояти	9	60 126	6 680,7
Бухоро вилояти	8*	112 329	14 041,1
Жizzах вилояти	4	28 068	7 017,0
Қашқадарё вилояти	6**	70 200	11 700,0
Навоий вилояти	2	32 600	16 300,0
Наманган вилояти	6	55 182	9 197,0
Самарқанд вилояти	8	75 580	9 447,5
Сурхандарё вилояти	5	49 846	9 969,2
Сирдарё вилояти	4**	42 606,6	10 651,7
Тошкент вилояти	6	54 600	9 100,0
Фарғона вилояти	8	50 330	6 291,3
Хоразм вилояти	6	41 798	6 966,3

* Бухоро вилоятида 7 та пахта-тўқимачилик ишлаб чиқариш кластеридан ташқари

“Бухоро Агрокластер” МЧЖ томонидан 49 800 гектар майдонга пахта экилган.

** “Indorama Kokand Textiles” МЧЖ ҚҚ Қашқадарё ва Сирдарё вилоятларида.

Бу янги тизимни кириб келиши олимлар, мутахассислар ушбу соҳага тегиши бўлган қишлоқ хўжалиги ҳодимлари ва кенг аҳолии қатлами орасида матбуот ва ОАВ орқали мухокама қилинмокда.

Бу тизимнинг салмоқли қисмини пахта тўқимачилик кластерлари ташкил қилади. Пахта тўқимачилик кластерлари (ПТК) ўзи нима?

У бир ёки бирнечта мустақил юридик шахслар томонидан ишлаб чиқаришнинг замонавий технологияларидан фойдаланган ҳолда пахта хом ашёсини етишириш ёки шартнома асосида сотиб олишдан уни дастлабки қайта ишлаш ип, калава, мато тўқиши, бўяш, тикиш иккимлачи маҳсулотларни (чигит, линт ва бошқалар) қайта ишлаш юкори қўшилган қўйматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқаришгacha бўлган жаранини ўз ичига олган ҳамда ягона технологик занжирда бир нечта корхона ва ташкилотларни бирлаштирган ҳолда янги хўжалик юритиш тизимини шакллантириш усули.

Умуман кластер-бу қисқача изоҳлагандага қишлоқ маҳсулотларини етиширишдан тортиб уни қайта ишлаш орқали юкори қўшилган қўйматга эга тайер маҳсулот бўлгунга қадар бўлган жараённи ўз ичига олган ишлаб чиқаришни ташкил этиш механизми.

Ўзбекистонда ПТКларни ташкил этилиш бир катор афзаликларга эга:

а. Аввало саноатни яъни қайта ишлашни қишлоқ хўжалиги соҳасига яқинлаштиради.

б. Инновация, илфор фан техника ютуқларидан фойдаланиш ва саноат даражасида маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти ортади. [2]

в. Тўғридан тўғри инвестицияни жалб қилиш, замонбоп чет эл технологияларини олиб кириш орқали ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш амалга оширилади. [5, 6, 7, 8]

г. Юкори қўшилган қўйматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш имконияти маркетинг тадқикотларини олиб бориш, бозор конюктурасини ўрганиш орқали ортиб боради.

д. Молия, банк ва сугурта каби ташкилотларнинг иқтисодий дастакларидан ва хизматларидан фойдаланиш даражаси яхшиланади ва бошқа ижобий томонларини санаб ўтиш мумкин. [1, 3, 4]

Албатта бу тизимни келажақда Республикаизда кенг ривожланиши назарда тутган ҳолда хозирги кунда ечимини кутаётган айрим мутахассислар томондан мухокамага мавзу бўлаётган муаммоларга этиборни қаратиш лозим. Аввало қонун даражасида кластерни мақомини белгилаш, кластер ва фермер хўжаликлари ўртасидаги молиявий муносабатларда олтин ўртани топиш ўта мухим ҳисобланади.

Ташкилий ва хуқукий жихатдан мустақил бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширувчи фермер хўжаликлари ҳам ва уни қайта ишловчи кластерга қарашли бўлган қайта ишлаш корхоналари ҳам эркин бозор шароитида юкори фойда олишдек ўз манфаатини кузлаган ҳолда иш юритади. Бу молиявий жихатдан манфаатларни турлича эканлигини тақозо этади.

Манффатларни муштараклигини таъминламасдан туриб ёки томонларнинг мустақил ва эркин бозор талабларидан келиб чиқиб белгиланадиган келишувларига эришмасдан туриб кластерни узлуксиз занжирдаги ягона бир тизим сифатида қараш қийин бўлади.

Шу ўринда эски совет тизимидан ва шу кунгача муаммо бўлиб келган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиширучи хўжаликлар билан ва уларни қайта ишловчи

тайёрлов корхоналар ўртасидаги муносабатлардаги пахта хом ашёсини уни қайта ишловчи корхоналарга қарашли бўлган тайёрлов пунктларига қабул қилишдан тортиб то қабул қилинган маҳсулотлар учун тўловларни амалга оширишгача бўлган муносабатлардаги мудоммалор (хом ашёни кўшиб ёзиш уни сифатини атайлаб паст навларда кўрсатишб, маҳсулот учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмасли ва хокозолар) ўз ечимини кутмокда. Хукуқий, иқтисодий, ташкилий ва молиявий муносабатлар механизмини тўғри ишлаб чиқилиш кластер тизимини келажакда республикамида кенг оммалушувига муҳим омил бўлади.

Фермер хўжаликларини мустақиллигини сақлаб қолиш уларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини ошириш уни ерга ва меҳнатга бўлган иштиёқини оширади. Фикримизча келажакда ушбу тизимнинг республикамида кенг ривожланиши билан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчилар ўз маҳсулотларини етказиб беришда кластерларни мустақил танлаши маҳсулотларга нарх белгилашда дунё бозори нархларидан келиб чиқиш белгилаш муҳим ҳисобланади.

Фермерлар билан ҳисоб китоб қилишда хом ашё учун эмас балки қайта ишлаш натижасида олинган тайер маҳсулотлар (тола чигит линт ва бошқалар) учун амалга оширилиш лозим. [9] Фермер хўжаликларини кластерлар билан ўзаро муносабатларида уларни бир бирига қарама қарши бўлган контрагентлар сифатида эмас балки ягона организмнинг турли бўғинлари сифатида қараш лозим.

Бунинг учун дунё ҳамжиятидаги бу тизимни амалга оширишнинг энг илғор усул ва механизmlаридан фойдаланиш мумкин бўлади. Фикримизнинг дайвоми сифатида қишлоқ маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликларни бозорнинг фаол иштирокчиси сифатида ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар тасисчиси ёки маълум дараражада акциядори сифатида иштирок этиши юқорида қайд этилган муаммога ечим бўлади.

Бу борада дунё амалиётида кенг кенг кўлланилаётган қишлоқ хўжалиги кооперация тизимни мисол келтириш мумкин.

Дунёда ушбу тизим яхши йўлга қўйилган бўлиб унинг хиссасига айрим мамлакатларда жами етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 50% ва ундан ортиғи тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар билан уни қайта ишловчи корхонлар кооперацияси ўзаро манфаатлар муштараклигини таъминлайди. Демак кластерга хамоҳанг мукобил тизим сифатида қишлоқ хўжалиги кооперативларини ривожлантириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчиларни саноат тизимига кириб бориши ва қайта ишлаш жараёнида иштирок этиши хамда унинг натижаларидан манфаатдор бўлиши ушбу соҳани ривожланишига муҳим туртки бўлади.

СПИСОК ИСПОЛЬЗОВАННЫХ ИСТОЧНИКОВ:

- Shokiraliyevich, G. I. (2021). Role of information and communication technologies in accounting and digital economy. SOUTH ASIAN JOURNAL OF MARKETING & MANAGEMENT RESEARCH, 11(5), 17-20.
- Savinova, G. A. (2020). Economic analysis and management of small businesses. ISJ Theoretical & Applied Science, 06 (86), 227-230.

3. Ermatov, A.A. (2021) Theoretical Bases Of The Organization Of Private Capital. *Eflflatounia*, 5 (2), 1265 – 1275.
4. Ermatov, A.A. Ustav kapitalini shakllantirishda valyuta kursi farqlarini hisobga olishni takomillashtirish // Материалы международной конференции “Актуальные проблемы внедрения инновационной техники и технологий на предприятиях по производству строительных материалов, химической промышленности и в смежных отраслях”. – Фергана, 2019. 73-75 ст.
5. Эрматов, А.А. Учет дивидендов и вопросы его совершенствования // Бухгалтерский учет: достижения и научные перспективы XXI века. Материалы Международной научно-практической конференции. – Ярославль-Москва: Канцлер, 2019. ISBN 978-5-91730-918-7. 251-256 ст.
6. Ermatov, A.A. The role of audit in corporate governance // International journal of innovations in engineering research and technology [IJIERT]. Website: ijiert.org Volume 7, ISSUE 8, Aug.-2020. ISSN: 2394-3696 (№23; SJIF-7,525)
7. Kudbiyev, D. Accounting for rented fixed assets. International Engineering Journal For Research & Development (IEJRD). 6(1), 82-86.
8. Эрматов, А.А. Совершенствование процесса бухгалтерского учета статей собственного капитала. Бухгалтерский учет: достижения и научные перспективы XXI века: Материалы Международной научно-практической конференции. – Ярославль-Москва: Канцлер, 2021. – 212.
9. Ermatov, A.A. (2021) Theoretical Bases Of The Organization Of Private Capital. *Eflflatounia*, 5 (2), 1265 – 1275.
10. <https://mineconomy.uz>